



**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ**

02-01/05811000000__

2022 йил «05» январ

Когон шаҳри

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган «АБМК ФБ АТК» Гувоҳнома асосида ҳаракат қиладиган К.Ҳайитов бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 апрелда берилган СФ 00228-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган «Ўзагросуғурта» АЖнинг Когон шаҳар маркази Э.Тўраев орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қондаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича 3 274 501 125 (Уч миллиард икки юз етмиш тўрт миллион беш юз бир минг бир юз йигирма беш) сўм, шу жумладан дафн этиш харажатлари _____ (_____) сўм ни ташкил қилади
3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича 11 133 000 (Ўн бир миллион бир юз ўттиз уч минг) сўм ни ташкил қилади
4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга қиради ва **1 (Бир)** йил мобайнида амал қилади. Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга қиради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охиригига санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.
6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;
йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.
Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
8. Иш берувчи:
мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;
йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;
иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;
ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;
суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;
суғурталовчинини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;
агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортқича тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортқича тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.
Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.
9. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;
суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва маъмулотларнинг махфийлигини таъминлаши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;
суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослангирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.
Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белги-9*ланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қоидалар

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реқвизитлари:

Суғурталовчи
«Ўзагросуғурта» АЖ
Когон шаҳар маркази
Манзили: Зулфия кучаси 15/4-3уй
тел: 99.707 93 00

х/р: 20216000500405148035

МФО: 00109 СТИР: 201188607

АТБ "Микрокредитбанк"

Бухоро филиали



Э.Тўрасв

Иш берувчи:

«АБМК ФБ АТК» Корхонаси

Манзили: Бухоро шаҳар Шербудинг 9-уй

тел:

х/р: 100010860054017042402170004

МФО: 00014 СТИР: 200856377

Ғазначилик Бошқармаси

х/р 23402000300100001010 МФО 00014

СТИР: 201122919 МБ ББ ХКММ Тошкент шаҳар

К.Хайитов



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

(имзо)

(Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

Суғурталовчига _____
(суғурталовчининг номи)